*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 23 май
ПАЙШАНБА
№ 97 (5.139).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади



Учрашув пайти.



А. ГОРОКРИК олган суратлар (ЎзТАГ).

# ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

### *Ўзбекистон ССР Президентининг матбуот конференцияси*

Ўзбекистонда қайта қуриш шабадаси эсиб турибди. Қайта қуриш омиллари — демократия ва ошкоралик принциплари кун сайин қарор топмоқда. Республиканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй бераяпти. Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги декларация республиканинг бутун мамлакатдаги, шунингдек халқаро майдондаги обрўйини оширмоқда. Совет халқининг ҳамда хорижий мамлакатлардаги кўплаб кишиларнинг, айниқса журналистларнинг ўлкамизга, ундаги катта ўзгаришларга қизиқиши тобора ортиб бораяпти. Кейинги вақтларда жумҳуриятимизга кўпгина хорижий мамлакатлар мухбирлари ташриф буюриб, унинг ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар.

Хабар бериб ўтилганидек, 21 май куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов Совет Иттифоқига вакил қилиб юборилган хорижий журналистлар билан учрашди.

Матбуот конференциясида Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Канада, Швейцария, Фаластин, Бирлашган Араб Амирлиги мамлакатлари рўзнома ва ойномалари, бир қанча агентликлар, телекомпаниялар ва радиоэшиттиришларнинг вакиллари, шунингдек республикамиз оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

И. А. Каримов журналистлар билан учрашув бошланишида, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистонга меҳмон келса, биз жуда хурсанд бўламиз, бошимиз осмонга етади. Биз, айниқса беғараз меҳмонларимиздан, турмушимиз, кишиларимиз тақдирига бефарқ қарамаётган, республиканинг ҳаёт тарзини, унинг бугуни, эртаси ва келажагини ҳаққоний ёритаётган журналистлардан ниҳоятда хурсандмиз.

И. А. Каримов берилган саволларга жавоб қайтарар экан, бўлғуси Иттифоқ шартномасига батафсил тўхталди. Иттифоқ шартномаси, деди у, асосий масала бўлиб қолмоқда. Иттифоқнинг бўлиши ёки бўлмаслиги худди ана шу муҳим ҳаётий масаланинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Жумҳуриятларда халқнинг сиёсий ва миллий онги тез ўсиб бораяпти. Ҳа, шундай. Биз тўла мустақиллик, тўла давлат суверенитети тарафдоримиз. Биз ўзимизга тааллуқли бўлган масалаларни ўзимиз ҳал қилмоғимиз даркор. Табиийки, биз шундай йўлдан борамиз, яъни ўз масалаларимизни ўзимиз ҳал қиламиз.

Бўлғуси Иттифоқ шартномаси ҳақида гапирганда яна шу нарсани алоҳида айтиб ўтишни истардимки, биз — Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари яқинда Киевда учрашдик. Ана шу бешта республика ташаббус кўрсатиб, шартноманинг лойиҳаси устида иш олиб борди. Бу ишга Ўрта Осиёдаги яна учта республика вакиллари ҳам қўшилишди. Ана шу йиғилишда шартнома лойиҳасининг ҳамма нусхалари муҳокама қилинди.

Биз Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларига бир хилда ёндашаётирмиз. Биз шуни тушуниб турибмизки, республикаларнинг бирлашувидан фақат манфаат кўрилади. Бу манфаатни ҳар биримиз чуқур ҳис қилишимиз керак. Ўзаро муносабатлар шароитида ҳар бир алоҳида жумҳуриятнинг манфаати умумиттифоқнинг манфаатига айланади.

Иттифоқ шартномасида, — деб таъкидлади И. А. Каримов, — Иттифоқ қарамоғида бўладиган соҳалар: республикалар ўртасидаги ўзаро муносабат, жумладан, мудофаа корхоналари масалалари каби масалалар аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Бу масалаларнинг ижобий ҳал қилинишидан аввало бизнинг ўзимиз наф кўрамиз.

Ҳозирги кунда олдиндан бир нима дейиш қийин. Лекин ишончим комилки, биз қабул қилган қўшма баёнотни ҳамма томонларнинг манфаатини кўзловчи янада аниқ мазмун билан тўлдиришга муваффақ бўлинса, Иттифоқ яшайверади. Шундай қилиш бизларнинг ҳар қайсимизга, аввало, СССР Президентига боғлиқ эканлигини айтиш лозим. Бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар раҳбарларининг ҳам фикри ана шундай.

Агар икки раҳбар — М. С. Горбачев билан Б. Н. Ельцин бизлар билан бирга ўзлари имзолаган ҳужжат мавқеида қатъий турсалар, Иттифоқ шартномасининг тез вақт ичида тузилишига ишонаман.

Матбуот конференциясида ташқи иқтисодий алоқалар, марказ томонидан бўлаётган консерватизм кўринишлари ҳақида, интеграция, мустақилликдан барча республикалар манфаат кўриши тўғрисида, марказий идоралар жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда режалар тузишга уринаётганлиги ҳақида гапирилди, инқирозга қарши дастур Иттифоқ шартномаси имзолангандан кейингина тузилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Экология муаммолари йил сайин кескинлашиб бораётганлиги барча совет халқи қатори бутун дунё кишиларини ҳам ташвишлантиряпти. Бу ҳақда жуда кўп саволлар берилди. Бу муаммоларни барча халқларнинг кучғайратларини ягона мақсад сари бирлаштирмай туриб, ҳал этиб бўлмайди. Бугунги кунда Чернобиль, Орол — бу фақат бизнинг ташвишимиз ва дардимиз бўлиб қолмасдан, балки бутун ер юзидаги одамларнинг ташвиши ва дарди ҳам бўлиб қолди.

Орол муаммоси — пахта муаммоси сингари жуда катта иш олиб боришни талаб қилади. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда пахта экиладиган майдонлар қарийб ярим миллион гектар қисқартирилди. Давлатга пахта топшириш тахминан 1 миллион 400 минг тонна камайди. Бу ишлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида амалга оширилди.

Президент Ўзбекистонда сувдан унумли фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталди. Чунки об-ҳаёт муаммоси журналистларни айниқса қизиқтирди. У Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга, шу жумладан, Орол денгизига ташлаб бериш ишларининг тўхтатиб қўйилганлиги катта хато бўлганлигини айтди, бу ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги ўз фикрини билдирди. Сувни тежаш Сибирь дарёлари об-ҳаётини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга буриб юборишга нисбатан анча қимматга тушиши мумкин. Ҳатто бу лойиҳа билан шуғулланиш ишлари бошлаб юборилган тақдирда ҳам, Сибирь дарёлари суви бизга тахминан 2007 йилда етиб келади.

И. А. Каримов иқтисодий ва сиёсий структура ҳақида берилган саволга жавоб қайтариб, иқтисодий структурани сиёсий структурадан сира ажратиб бўлмаслигини, уларнинг ҳар иккаласи диалектик равишда ўзаро боғланган бўлиб, ҳамиша бир-бирини тўлдириб, бойитиб боришини таъкидлади.

Матбуот конференциясида бозор муносабатлари ҳақида, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига республика халқи турмуш шароитларини назарда тутган ҳолда босқичма-босқич ўтказилаётганлиги тўғрисида, бу йўлдаги кўпгина муаммолар, шунингдек республика бюджети ҳақида гапириб берилди.

Биз янгиланган Иттифоқ, янги федерация тарафдоримиз, деди Президент. Ўзбекистон 1985 йилга қайтмайди. Халқимизнинг сиёсий ва миллий онги беқиёс даражада ўсди. Хуллас, орқага қайтиш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Республика Президентига Фарғона ва Ўшда юз берган мудҳиш воқеалар тўғрисида кўпдан-кўп саволлар берилди. Халқнинг ночор аҳволи Фарғона воқеаларининг асосий сабаби бўлганлиги айтилди. Фарғона, Ўш ва бошқа минтақаларда бўлиб ўтган воқеалар шуни кўрсатдики, халққа қарши қурол ишлатиш билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Журналистлар билан учрашувда ўзбек халқининг миллий анъаналари ва урфодатлари, ёшлар ва уларнинг тарбияси, диннинг ўрни, кўп партиялилик сингари талайгина саволларга жавоб қайтарилди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг аъзоси, республика ташқи ишлар вазири С. О. Азимов иштирок этди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

---

### *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг фармони*

# ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида аҳолини ва айниқса кам таъминланган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, СССР халқ депутатлари тўртинчи съезди қарорларидан келиб чиқиб ва СССР Вазирлар Маҳкамаси билан СССР касаба уюшмалари умумий конфедерацияси кенгаши ўртасида тузилган битимни ҳисобга олиб, **қарор қиламан:**

1. Инсоннинг асосий физиологик ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол моллари ва хизматлар туркумини сотиб олишга харажатларни белгилайдиган истеъмол бюджетининг энг кам миқдоридан фойдаланиш ижтимоий сиёсатни ўтказиш амалиётига жорий этилсин.

Умуман мамлакатда, республикаларда, регионларда истеъмол бюджетининг энг кам миқдори ягона методология асосида ишлаб чиқилсин ҳамда аҳоли турмуш даражаси ўзгаришини тахмин қилиш, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек шифохоналарда, интернатларда, мактабларда, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида овқатланишга давлат харажатларини белгилаш чоғида улар ижтимоий меъёрлар сифатида қўлланилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси умумиттифоқ истеъмол бюджетининг энг кам миқдорини, республикаларнинг ҳукуматлари — республика истеъмол бюджетининг энг кам миқдорини тасдиқлайди.

2. Белгилаб қўйилсинки, истеъмол бюджетлари энг кам миқдорига кирадиган моллар ва хизматлар туркуми аҳолининг турли ижтимоий-нуфус гуруҳлари учун илмий асосланган меъёрлар, истеъмолнинг миллий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётнинг амалдаги имкониятлари асосида аниқланади.

Истеъмол бюджети энг кам миқдори қийматини баҳолаш учун савдонинг барча турларини ҳисобга олган ҳолда тегишли молларни харид қилиш ва хизматлардан фойдаланишнинг ўртача нархларидан фойдаланилсин.

3. Истеъмол бюджети энг кам миқдорининг натурабуюм тузилишини белгилаш чоғида истеъмол моллари ва хизмат турларига ҳар бир одам ёки оила харажатларининг қуйидаги асосий турларига биноан моллар ва хизматларнинг мутаносиб туркумларини киритиш тавсия этилсин:

овқатланиш, шу жумладан нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, сариёғ, тухум, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, картошка, сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари, мевалар ва резавор мевалар, ўсимлик ёғи ва маргарин, қанд-шакар ва қандолат маҳсулотлари, бошқа маҳсулотлар;

кийим, ич кийим, пойабзал;

дори-дармонлар, санитария, гигиена буюмлари;

мебель, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари;

уй-жой ва коммунал хизматлар;

маданий-маърифий тадбирлар ва дам олиш;

маиший хизматлар, транспорт, алоқа;

болаларнинг мактабгача муассасаларда бўлиши.

Истеъмол бюджетларининг энг кам миқдорини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи давлат идоралари касаба уюшмаларининг, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг муқобил ҳисобларини эътиборга олсин.

4. СССР Вазирлар Маҳкамаси ва республикаларнинг ҳукуматлари:

истеъмол бюджети энг кам миқдорининг қийматини истеъмол нархлари индекси ўсишини ҳисобга олиб йилига камида бир марта, истеъмол маҳсулотлари ва хизматлар турлари таркибини беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқсин;

истеъмол бюджети энг кам миқдори тузилиши ва қиймати тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрларда мунтазам эълон қилиб борсин;

ижтимоий дастурлар жамғармасини барпо этиш ва ундан истеъмол бюджетлари энг кам миқдори жорий этилишини ҳисобга олиб фойдаланиш тартиби тўғрисидаги таклифларни уч ой муддат ичида кўриб чиқсин;

1991 йил 1 июлгача ушбу фармоннинг бажарилишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилсин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ**

Москва, Кремль. 1991 йил 21 май.

---

# ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛАР ИТТИФОҚИ УЧУН

22 май куни Тошкентда Иттифоқ шартномаси лойиҳаси хусусидаги фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифларни кўриб чиқиш ва умумлаштириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

Комиссия ишчи гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон ССР Иқтисод комитети раисининг ўринбосари П. Х. Носиров ахборот берди. Иттифоқ шартномаси лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида жойлардан кўпгина таклифлар ва фикр-мулоҳазалар тушганлиги таъкидланди. Уларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб, муҳокама қилинаётган ҳужжатга киритилди. Комиссия таклиф этган тузатишлар ва матндаги ўзгаришлар жумҳуриятларнинг янгиланган иттифоқ таркибидаги мустақиллигини оширишга қаратилган.

Иттифоқ шартномаси лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг муҳокамасига қўйишга қарор қилинди.

**(ЎзТАГ).**

---

# ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хом ашёга бўлган талабини тўларoқ қондириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Республикамиз иқтисодий ва сиёсий мустақилликка қадам қўяётган бир пайтда етакчи тармоқнинг аҳволи, тараққиёти янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Кейинги пайтларда деҳқончилик-саноат мажмуини, жумладан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор берилаётир. Бироқ айни пайтда ушбу соҳада тер тўкаётган меҳнаткашларнинг турмуш ва дам олиш шароитини яхшилаш борасида кўпдан-кўп муаммолар кўндаланг бўлаётир.

Ҳозирги вазиятда қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини мустаҳкамлаш учун катта миқдорда қўшимча маблағ, моддий ресурслар керак. Маълумотларга кўра, шу давргача қишлоқ жойларида ҳар минг яшовчи ҳисобига шаҳардагига нисбатан 2,2 марта кам уй-жой қурилган. Аҳоли пунктларининг табиий газ билан таъминланиши 18, ичимлик сув билан эса 52 фоизни ташкил этади. Мактабгача тарбия, тиббий ва маданий муассасалар, умумий овқатланиш ташкилотлари, маиший ва савдо шохобчалари билан таъминланиш даражаси ҳамон паст.

Жумҳурият Деҳқонлар уюшмаси ана шундай шароитда ташкил қилинди. Унинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, қишлоқда ижтимоий-маданий-маиший аҳволни яхшилаш, жамоа ва давлат хўжаликлари, деҳқончилик-саноат тузилмасига кирадиган корхона ҳамда ташкилотларнинг ходимлари ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя этишдан иборат. Уюшма тузилгандан бери орадан ўн ой ўтди. Шу даврда Қорақалпоғистон мухтор республикаси, вилоятларнинг деҳқонлар уюшмалари жойларда бўлинмаларни тузиш, уюшмага кириш ва аъзолик бадалларини йиғиш бўйича бирмунча ташкилий ишларни амалга оширдилар.

Шу кунга қадар жумҳурият деҳқончилик-саноат таркибига кирувчи 2418 та корхона ва ташкилотдан 2265 таси бизнинг уюшмамизга аъзо бўлди. Бадаллар ҳисобидан 3,9 миллион сўмдан зиёд маблағ йиғилди. Деярли ҳамма вилоят ва районларда бўлинмалар тузилиб, фаолият юритмоқдалар.

Оз фурсатда бир қатор тадбирлар бажарилганлигини таъкидлаш жоиз. Деҳқонлар уюшмасининг ташаббуси билан бултур жамоа ва давлат хўжаликлари транспорт солиғидан озод этилди. Натижада қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг 25 миллион сўм пули тежалди. Ҳозирги кезларда жорий йил солиғини бекор қилиш устида иш олиб борилаяпти.

Келгусида ҳам кўпгина режаларни амалга ошириш кўзланган. Уюшма аъзоларининг ихтиёридаги ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган, лекин хўжалик ва ташкилотлар балансида турган биноларни, яъни мактаблар, болалар боғчалари ва шу каби муассасалар иморатларини тегишли идора ва маҳкамаларга бериш юзасидан республика ҳукуматига таклиф тайёрланмоқда. Бугунга келиб шундай иншоотларнинг умумий қиймати 2 миллиард сўмдан ошиб кетди. Уларни сақлаш учун хўжаликлар маълум миқдордаги маблағларни сарфлашга мажбур бўлишаяпти. Натижада асосий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш мумкин бўлган пул бошқа мақсадларга ишлатилмоқда.

Деҳқонлар уюшмаси тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаб, ҳукумат тасдиғига киритилди. Ушбу ҳужжат қабул қилингандан сўнг ташкилотимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилади. Бу эса ишимизни янада жонлантиришга кўмаклашади.

Айни пайтда қишлоқда яшовчи, лекин район ва вилоят марказларига, йирик саноат корхоналарига бориб ишлаётган кишиларнинг даромад солиқлари ишхоналар жойлашган ҳудуддаги маҳаллий кенгаш бюджетидан улар истиқомат қилаётган жойнинг маҳаллий кенгаши бюджетига маблағ юбориш масаласи кўрилмоқда. Шунингдек, кейинги вақтларда қабул қилинаётган янги қонунларга кўра хўжаликлар даромадларининг катта қисми турли солиқларни қоплашга, ишловчиларга товон пули тўлашга сарфланаётганини эътиборга олинса ижтимоий-маданий қурилишларни ривожлантиришга етарли имконият бўлмаётир. Шу боисдан жумҳурият Деҳқонлар уюшмаси кенгашининг ҳайъати навбатдаги йиғилишида меҳнат ҳақидан даромад солиғини маҳаллий бюджетга ўтказиш масаласини кўриб чиқди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ойлик маошидан ундириладиган даромад солиғини кишилар бошқа жойда ишлашидан қатъий назар, улар яшайдиган маҳаллий кенгаш бюджетларига ўтказиш тўғрисида республика Олий Кенгашига таклиф киритилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, кўмакка муҳтож деҳқонлар ва чорвадорлар жуда кўп. Аввало ўтган йилни иқтисодий зарар билан якунлаган хўжаликларнинг иш фаолиятини ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ аҳолисини иш билан тўлиқ таъминлаш мақсадида жойларда ёрдамчи корхоналар барпо этиш, уларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, меҳнат аҳлининг иш ва дам олиш шароитини яхшилаш лозим. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида кам даромадли оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, деҳқону чорвадорларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳам уюшмамизнинг бурчидир.

Ўзбекистон ССР Президентининг шахсий томорқа хўжаликларини жадал ривожлантириш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги фармони ва шу муносабат билан 1 миллиард сўм маблағ ажратилиши бу ишларни амалга оширишда катта роль ўйнайди. Бундан буён хўжаликларнинг фойда олишини кўпайтириш, илғор иш усулларини қўлланиш учун имконият яратиш, айниқса ижара муносабатларини кучайтириш, ширкат ва деҳқон хўжаликларини, акционерлик жамоаларини тузиш диққат марказида бўлади.

Шу ўринда ишимиздаги камчиликларга ҳам тўхталмоқчиман. Шулардан энг муҳими район деҳқонлар уюшмалари ишини жонлантиришдир. Айрим жойларда ходимларимиз ўз вазифаларини яхши тушуниб етишмаётир. Шу боисдан уларнинг билимини оширишни мўлжаллаяпмиз. 24 май куни Самарқанд вилоятининг Ургут районида шу мавзуда амалий ўқиш ўтказилади.

Жойлардаги аҳвол билан танишганда бошқа нуқсонларга ҳам дуч келдик. Ҳозирга қадар 50 та районда уюшма раисининг ўринбосари йўқ, ишчи маҳкамаси тузилмаган. Демак, бу ерларда аъзолик бадаллари ҳам йиғилмаган. Кўпгина районларда ходимларимиз учун жой ажратилмаган. Масалан, Каттақўрғон районида аҳвол шундай. Биз районларнинг деҳқончилик-саноат уюшмалари раҳбарларидан ташкилотимиз бўлинмалари шаклланиб, оёққа туриб олишларига ёрдам кўрсатишларини илтимос қиламиз.

Уюшмамиз аъзолиги учун йиғилган бадал пулидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда «Узагропромбанк» қошида ўзимизнинг акционерлик ҳисобимизни очиб, кўмакка муҳтож хўжаликлар ва ташкилотларга имтиёзли тарзда қарз беришни йўлга қўймоқчимиз. Хуллас, қилинадиган ишлар жуда кўп. Уларни изчил амалга ошириб, ҳамиша деҳқонлар хизматида бўлишга интиламиз.

**Ҳ. ЙУЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон ССЖ Деҳқонлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.**

---

# ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти партия, совет ва хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Партия ва совет идораларнинг ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш ҳамда уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолат қоидаларига амал қилиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги вазифалари ҳақида вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Т. П. Хидиров маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари вилоятнинг барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов нутқ сўзлади.

**(ЎзТАГ).**

---

# ЖАРРОҲЛАР СЪЕЗДИ ТУГАДИ

22 май куни Тошкентда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон жарроҳларининг бешинчи съезди ўз ишини тугатди.

Съездда жарроҳлик хизматининг иши атрофлича таҳлил этилди, уни такомиллаштириш, ташкилий жиҳатдан қайта қуриш йўллари белгилаб олинди. Аҳолига жарроҳлик ёрдами кўрсатишни яхшилаш учун маслаҳат бериш, касалликни аниқлаш бўлимлари ҳамда поликлиникалар тармоғини кенгайтириш, мия жарроҳлиги, травматология, урология ва жарроҳликнинг бошқа соҳаларидаги мавжуд ихтисослашган марказларини мустаҳкамлаш ва янгиларини ташкил этиш тавсия қилинди.

Жарроҳлик йўли билан даволанадиган беморларга асбоблар ва бир марта фойдаланадиган тизимлардан фойдаланишга ўтиш, тиббий ёрдамни компьютерлаштириш, энг яхши жарроҳларнинг тажрибасини барча шифокорларнинг кундалик амалий ишларига жорий этиш йўли билангина тиббий ёрдамни яхшилаш мумкинлиги таъкидланди.

Съезд ўзининг бундан кейинги йўлини — фан, техника ва тиббий амалиётни тўла-тўкис ривожлантириш йўлини аниқ белгилаб олди, жарроҳлик хизматини ташкил этиш масалаларида ягона тактикани режалаштирди.

(ЎзТАГ).

